# 21 июнь — тиббиёт ходимлари куни

## ИККИ КАРРА ПОСБОНЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Андижон вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси қатор туманларда ўз вақтида иш ҳақи ва нафақаларнинг берилмаслиги сабабларини чуқур ўргандилар, тахлил қилдилар, керакли ташкилотларга мурожаат этдилар ва талабчан бўлдилар. Натижада бу борада ижобий натижаларга эришилди. Вилоят қўмитаси 1272 ночор оилаларга моддий ёрдам кўрсатди.

Қашқадарё вилоят қўмитаси бу борада ўзига хос тажрибага эга. Ижтимоий ҳимоя мақсадида «Камолот», жамғармаси,хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда муҳтож ва кам таъминланган оилалар рўйхати тузилди, уларга моддий ёрдам кўрсатиш давом этмоқда. Мазкур вилоят қўмитасида тиббиёт ходимлари соғлиғини сақлаш борасида кўп ишлар қилинмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимида ишловчи ходимлар ва улар оила аъзолари учун бепул тиббий хизмат кўрсатиш борасида қатор тадбирлар белгиланган.

Сурхондарё вилоят қўмитасида кейинги вақтларда ўн бешдан ортиқ шифохоналар маъмурияти томонидан ходимларга иш ҳақини белгилаш ва муддатида бериш масаласи ўрганиб чиқилди. Иш ҳақи нотўғри белгиланган муассасаларда ходимларнинг иш ҳақлари ундириб берилди. Ижтимоий ҳимоялаш йўналишидаги ишларимиздан бири, тиббиёт ходимларини иш билан таъминлашдир. Айрим шифохоналарда штатлар қисқартирилиши муносабати билан ишсиз қолиш хавфи ҳам йўқ эмас. Шунинг учун соғлиқни сақлаш муассасаларидаги касаба уюшма ташкилотлари ишдан бўшатилаётган ходимлар учун иш жойларини тайёрлаш билан жиддий шуғулланмоқдалар. Соғлиқни сақлаш соҳасида кейинги вақтларда амбулатория тизими, кундузги стационарлар ташкил этилмоқда. Ишдан бўшаганларнинг маълум қисми шу янги йўналишга жалб этилмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган Марказий қўмита пленумида студент-ёшлар билан ишлаш масаласи қўйилди. Шу муносабат билан кадрлар тайёрлаш, уларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, чуқур ўрганилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Марказий қўмита пленумлари, раёсатида кун тартибига тиббиёт ходимларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш масалалари қўйилмоқда. Қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлаш эса асосий мақсадимиз бўлмоқда.

**- Битим, жамоа шартномалари ва унинг ижроси ҳақида нима дея оласиз?**

- Республикамизда кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда битим ва жамоа шартномалари муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда битим ва жамоа шартномаларини тузиш ва унинг ижросини таъминлашга эътибор кучайиб бормоқда.

Бу йил ҳам соғлиқни сақлаш вазирлиги билан битим тузганмиз. Унда ходимларнинг турмуш даражаси пасайишининг олдини олиш, ижтимоий-иқтисодий кафолатларини таъминлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштириш, дам олишларини ташкил этиш, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш ва бошқа муҳим масалалар киритилган.

Битимнинг биринчи бандида «1998 йилда соғлиқни сақлашга 1997 йилга режалаштирилган даражадан кам бўлмаган миқдорда бюджетдан маблағ ажратишга эришиш. Ушбу маблағ ҳажмини иқтисодиётнинг яхшиланишига қараб изчиллик билан ошириб бориш» деб ёзилган. Бу қисқа сатрларда катта маъно бор. Бу борада анча уринишлар қилинаяпти. Худди шу бўлимда соғлиқни сақлаш ходимларининг ўртача иш ҳақини саноатдаги ходимларнинг ўртача иш ҳақига босқичма-босқич яқинлашишини амалга ошириш, моддий рағбатлантиришнинг махсус жамғармасини ташкил этиш учун меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига ўн беш фоиз миқдорида ҳамма жойда маблағ ажратишни кўзда тутиш зикр этилади. Гарчанд бу бандлар оддийгина ёзилган бўлсада, улар катта меҳнат, изланиш, меҳнаткашлар манфаати йўлида курашишни талаб этади.

Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларига иш ҳақини ўз вақтида тўлаш масаласида кўп куч сарфланмоқда. Битим ва жамоа шартномаларининг бажарилиши ижроси устидан назорат ўрнатилган. Маълум муддатларда битим ва жамоа шартномаларининг бажарилишининг бориши юзасидан раҳбарларнинг ҳисоботлари тинглаб борилмоқда.

Шубҳасиз, ютуқлар яхши ва у ўзимизники. Лекин, байрам бўлса ҳам айрим камчиликлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Меҳнат шароити хавфсизлигини таъминлаш ижтимоий ҳимоянинг асосий масалаларидан биридир. Соғлиқни сақлаш қатор муассасаларида жамоа шартномаларида кўзда тутилган меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағларни қисқартириш холлари учрамоқда.

Вилоят соғлиқни сақлаш бўлимларида техника хавфсизлиги муҳандиси лавозимлари кўпгина жойларда қисқартирилган ёки муносиб кишилар зиммасига юклатилмаган.

Бу каби воқеалар туфайли соғлиқни сақлаш тизимида ишлаб чиқариш технологик интизом даражасида пасаймоқда. Мансабдор шахсларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва аттестациядан ўтказиш масалаларига талаб даражасида ёндошмаяпти. Тўғри ҳозир моддий-молиявий шароит қийин. Лекин, истак бор ва масъулият хис қилинган жойларда бу ишлар имкон даражасида йўлга қўйилмоқда. Бизнингча бу борада юз берган камчиликларни тезроқ бартараф этиш керак. Жамоа шартномалари тўла ижро этилмоғи керак. Бу муҳим ҳужжат хўжа кўрсинга эмас, ижро учун, меҳнаткашлар манфаати учун хизмат қилмоғи лозим.

**- Дам олишни ташкил этиш юзасидан олиб борилаётган тадбирлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз?**

- Ҳозирда меҳнаткашлар ва улар оила аъзолари ҳордиғини ташкил этиш ва соғломлаштириш мавсуми айни паллага кирган. Бу йил болаларни ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида беш минг нафардан зиёд ўғил-қиз табиат қўйнидаги гўзал оромгоҳларда мазза қилиб ҳордиқ чиқаришади. Меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштириш йўлида бир мунча ишлар қилинмоқда. Соғломлантиришга муҳтож касаба уюшма аъзоларига санаторийлар, дам олиш уйларига йўлланмалар ажратилмоқда.

Андижон вилоят қўмитасида ўтган йили 200 нафардан кўп киши санаторийларда соғломлантирилди, 250 га яқин ходим дам олиш уйларида ҳордиқ чиқарди. Соғлиғига қараб бир неча юз кишига пархез таом учун йўлланмалар берилди.

Қорақалпоғистон республикасида ҳам бу масалага эътибор кучайтирилмоқда. Санаторий-курортлар, санаторий-профилакторийларга кўпроқ йўлланмалар ажратилмоқда. Ҳар йили «Орол болалари» жамғармаси орқали ўғил-қизлар Тошкент вилоятидаги энг хушманзара оромгоҳларга юборилмоқда.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси қўмитасида тиббиёт ходимларини соғломлаштириш юзасидан турли илғор тажрибаларни қўллаш анъанага айланиб қолган. Навоий вилоятида санаторий, профилакторийлар, болаларни соғломлантириш оромгоҳлари йўлланмалари учун бир йилга салкам ярим миллион сўм ажратилди. Умуман тиббиёт ходимларини соғломлантириш, дам олишларини ташкил этиш юзасидан қатор чора-тадбирлар кўрилаяпти.

«Оила йили» муносабати билан ҳам тадбирлар тузиб амалга оширилаяпти. Деярлик қайси соғлиқни сақлаш муассасалари касаба уюшма ташкилотига борманг бундай тадбирнинг гувоҳи бўласиз.

Тиббиёт ходимлари Марказий қўмитаси спорт-соғломлаштириш ишларига ҳам эътиборни кучайтирмоқда. Турли мусобақалар ташкил этилаяпти. Яқинда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Универсиада-98»да ҳам тиббиётчилар фаол қатнашдилар. Тошкент, Фарғона, Андижон командалари вакиллари совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

---

## КЎЗ — ИККИНЧИ ЮРАК

**— дейди Республикамизда ягона ҳисобланган Тошкентдаги кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори Клара Валиева**

**- Клара опа, ушбу шифохона ҳақида тўхталиб ўтсангиз?**

- Бу маскан 1966 йилда ишга туширилган. Ана ўшандан бери шу ерда ишлайман. Шифохонамизда 7 та бўлим мавжуд бўлиб, шифохона Ўрта Осиёда ягона кўз касалликлари мактаби ҳисобланади. Ҳозиргача қардош давлатлар учун юзлаб кўз шифокорлари тайёрлаб берилди.

Ўтган йили шифохонага 68834 та бемор қабул қилиниб, (шулардан 6253 киши қишлоқлардан), 54182 бемор шу ернинг ўзидан келиб даволаниб кетишди.

Кўз инсоннинг иккинчи юраги десак, янглишмаймиз. Кўз ниҳоятда нозик аъзо бўлгани учун ҳам бу соҳа кишиларининг иши жуда машақатли ва қолаверса ўта эҳтиёткорликни талаб этади. Ана шунинг учун ҳам бизнинг шифохонада малакали, ўз соҳасини пухта биладиган мутахассисларгина ишлашади.

**- Мутахассис - ходимларингизга яратилган шароитлар қандай?**

- Албатта, қаерда шароит яхши бўлса ўша ерда иш унуми ҳам, ютуқлар ҳам бўлади. Ходимлар ишлайдиган хоналар таъмирланган. Дори-дармон, керакли асбоб-ускуналарни ҳам вақтида етказиб беришга ҳаракат қиламан. Шифокорларимиз ўз малакаларини, билимларини оширишлари учун чет элларга - Америка, Германия давлатлари, Россиянинг Екатеренбург, Москва, Уфа шаҳарларига 2-3 ҳафталик ўқишга бориб келишади. Албатта, уларнинг бориб келиш харажатларини қоплаш учун ҳомий топамиз. Маълумки, бу иш осон бўлмайди.

**- Изланиш бўлган жойда албатта янгилик бўлади, шундай эмасми?**

- Янгиликлар ҳақида гапирадиган бўлсам, бундан уч йил муқаддам Марказий Осиёда ягона бўлим ҳисобланган лазер жарроҳлик бўлими ташкил қилинди. Бу бўлимда энг мураккаб - қорачиқни кенгайтириш операцияси қилинади. Ҳозирги пайтда бир кунда 6-8 бемор операция қилинмоқда. Очиғини айтишим керак, бу бўлимда ишлаётган шифокорларимиз Умида Файзиева, Диёра Юсупова эркаклар бажариши керак бўлган ишларни маҳорат билан уддалашмоқда.

Ўтган йили Жиззахга, Сирдарёга малакали шифокорлар жўнатилиб, у ердаги жарроҳларга ҳозирги замон операцияларини ўргатиб келишди. Кези келганда бизнинг дўхтирларимиз ҳам бошқаларнинг иш тажрибаларини ўрганадилар.

1997 йил сентябр ойида О. Тошмуҳаммедов, Б. Калонхўжаевалар Екатеренбургда тўр парда кўчиши паталогияси бўйича операция қилишни ўрганиб, тажриба орттириб қайтишди. Бундан ташқари шифокорларимиздан бир неча киши АҚШнинг Огайо штатида Америка тиббиёт академиясининг таклифига биноан Колумбия шаҳрининг Университетига боришди ва назарий, амалий жиҳатдан ҳозирги замон АҚШ офталмохирургияси билан танишишди. Бу сафарнинг натижаси ўлароқ АҚШ кўз шифокорлари билан қўшма корхона асосида ишлаш режалаштирилган. Яқин кунларда касалхонамиз базасида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Ўрта Осиё офталмологларининг ўқув маркази ташкил қилинади.

**- Ҳозирги пайтда дори-дармон масаласи анча мураккаб, эшитишимизча, ҳатто оддийгина операциялар учун катта пул сарфланаркан. Сизларда бу муаммолар қандай ҳал этилган?**

- Бу ерга келган бемор фақатгина овқат пулини тўлайди. Дори-дармон, операциялар ҳаммаси текин. Фақатгина бизларда қачонки беморнинг умумий касалликлар билан яъни ошқозони, жигари оғриб кўзига асорат берган бўлса, биз уларнинг кўзини даволаш билан бирга бошқа касалликларини даволаб чиқариб юбориш учун ошқозон, жигар ва бошқа касалликлари учун дориларга буюртма берамиз. Ундан ташқари сунъий гавҳар бизда ишлаб чиқилмаслигини, уни чет эллардан олиб келинишини ҳисобга олган ҳолда бемор гавҳар учун пул тўлайди...

**Бош шифокор мени бўлимлар иши билан таништирди.**

- Бизнинг ишимиз худди сапёрларнинг ишига ўхшайди,- дейди умумий даволаш ва жарроҳлик бўлими бошлиғи Омонжон ака Убайдуллаев. Сапёрлар озгина қалтис ҳаракат қилишса мина портлаши юз берганидек, биз ҳам операция давомида салгина атиги 1 ммга хато қилсак бемор бутунлай кўрмай қолиши мумкин.

**- Беморлар неча кунда даволаниб чиқиб кетишади?**

- Узоғи билан бир ҳафтада. Чунки, бемор кўп, жой оз. Ҳамма нарса етарли, шароит яхши бўлгани учун беморни келган кунининг эртасигаёқ операцияга ётқизамиз... Биз беморларни суҳбатга тортдик:

- Шодиев Иброҳимман, — дейди бир бемор. — Бухоронинг Жондор туманидан келдим. «Сизга бу ерда қандай хизмат кўрсатишаяпти», деган саволингизга ҳеч иккиланмасдан яхши деб жавоб бермоқчиман. Ўтган куни келган бўлсам, кеча операция қилишди, бугун мана кўрганингиздек, бемалол ўрнимдан туриб юрибман. Кўзимнинг тўр пардаси йиртилган экан. Биз бу ерга келишдан олдин харажатларини ўйлаб катта тайёргарлик қилиб келувдик. Келган кунимиз шифокор қабулига кириб қандай дорилар керак, операцияга десак, «Фақат овқат пулини тўласангиз бўлди, қолган ҳаммаси бизнинг бўйнимизда» дейишди.

Иброҳим ака назаримда бу ерда шифо топаётган кўплаб беморларнинг кўнглидаги гапларни айтди,чамаси. Шифохонадан руҳимиз енгил тортиб чиқдик. Одамлардаги самимий илиқликни, энг асосийси эшитганларимиз кўрганларимиздан кейин рост бўлиб чиққанидан кўнглимиз таскин топди.

**Б. СУЛТОНОВА**
**Ф. ҒОЙИБОВ.**

---



*Андижон Давлат тиббиёт олийгоҳи клиник шифохонасида ҳар йили кўплаб беморлар ўз соғлигини тиклаб меҳнат жамоаларига қайтмоқдалар. Бунда шифохона 4-терапия бўлими врачларининг хизматлари катта. Ички касалликлар бўлимига Зоя Калинина раҳбарлик қилади. Бўлимда 80 ўрин бўлиб, 15 юқори малакали врач меҳнат қилади. Ундан ташқари бўлимда умумий амалиёт врачларини тайёрлаш кафедрасида профессор Зухритдин Салоҳиддинов бошчилигидаги врачлар гуруҳи иш олиб бормоқда.Талабаларга барча шароитлар муҳайё этилган.*

**Суратларда: Андижон Давлат тиббиёт олийгоҳи шифокорлари Зоя Калинина ва профессор Зухритдин Солоҳиддиновлар даволашнинг янги йўллари хусусида суҳбатлашмоқда.**

**Андижон шаҳар 2-болалар шифохонаси врачи О. Қаҳҳорова (чапда) бемор соғлигини текширмоқда.**

Тўрахон ҒАФУРОВ олган суратлар.



---

## ТАНТАНА ҲОРДИҒИ БИЛАН

### Тиббиёт колледжида

**Бу кун Тошкент вилоятидаги Янгийўл тиббиёт колледжи ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Колледж тиббиётчилар байрамига тайёргарлик юзасидан шодиёна безанган. Икки чети қуюқ дарахтзор ва сув сепилган йўлдан ўтиб борамиз. Иккинчи қаватдаги шинам катта зал вилоятдан келган вакиллар билан тўлган. Ҳамманинг чеҳрасида хурсандчилик руҳи сезилиб турибди.**

Вилоят тиббиёт ходимларини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари, республика Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг раиси О.А.Муҳиддинова, сўнг Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг раиси М.М.Йўлдошева табриклайдилар.

Колледжни бу йил бир гуруҳ ҳамширалар тугатмоқдалар. Ўқув юрти директори Эргаш Умрзоқов саҳнада ўқишда ва жамоат ишларида намуна кўрсатган талабаларга фахрий ёрлиқлар топширади. Тиббиёт куни муносабати билан тадбирлар давом этади.

Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси қўмитасида ҳар йили тиббиётчилар байрами тантаналарини ўтказиш анъанага айланиб қолган. Бу йил эса тадбирлар яна янги шакл ва мазмунда ўтказилмоқда. Янгича анъаналар пайдо бўлди.

Вилоят касаба уюшмаси қўмитаси 1998 йил бошида тиббиёт ходимлари кунига бағишлаб тиббиёт ходимлари халқ ижодиёти I кўрик-танловини ўтказишга қарор қилди. Якунловчи яъни финал концерти байрам куни ўтказилиши лозим эди. Ниҳоятда ўша илҳақ бўлиб кутилган кун ҳам етиб келди.

Концертни Юқори Чирчиқ туманидаги Марказий поликлиника катта ҳамшираси Мадина Саъдуллаева «Комила қиз» рақси билан бошлаб беради. Унинг маҳорат ила енгил ҳаракатлари кетма-кет олқишларга сазовор бўлди.

Рақс куйига қўшилиб кетди. Тиббиёт колледжининг талабаси, хушовоз хонанда Фазлиддин Ўроловни Янгийўлда кўпчилик танийди,. Кўп тадбирларда фаол қатнашади. Бу гал у «18 ёшга кирган қиз» ашуласини маҳорат билан ижро этди. Курсдошлари ва билим юрти талабалари уни қарсаклар билан қўллаб - қувватлаб туришди.

Ўзбекистон қийин эрийдиган ва қаттиқ қотишмали металлар комбинати поликлиникаси ҳамширалари Умринисо Зарипова, Муҳайё Эрназарова, Феруза Маҳкамовалар ажойиб интермедияларни ижро этиб корхонада «машҳур» бўлиб кетишган. Бу гал маҳоратларини кенг томошабинларга ҳавола этишди. Ичкиликка қарши курашга хизмат қилувчи «Армон» инсценировкаси кўпчиликда чуқур таассурот қолдирди.

Оҳангаронлик ҳамшира Санобар Абдурасулова хониш қилганда байрам тантанасига йиғилганлар жонқулоқ бўлиб, нафас олмай тингладилар. Ашула тугагач бутун зални қарсаклар босиб кетди.

Янгийўл тиббиётчилар колледжи талабаси дутор чертиб «Дуторим» қўшиғини ширали ва таъсирчан ижро этади.

«Учрашув» ҳажвий интермедияси узоқ вақтгача томошабинлар хотирасида қолса керак. Оққўрғонлик ҳамширалар Фарида Абдуқатаева ва Гулбаҳор Юнусовалар қувноқ ҳажвий интермедияни шундай ўринлатиб ижро этдилар-ки, залда «булар ҳамшира эмас артистлардиров» деган гаплар ҳам чалиниб қолганлиги бежиз эмас.

Шу куни бири-биридан чиройли, куй ва қўшиқлар янгради, рақслар, интермедияларга уланиб кетди. Йиғилганлар байрам табрикларидан сўнг мазза қилиб ҳамкасблари ижросида концерт томоша қилдилар. Ниҳоят кўрик-танловга жюрининг баҳолари эълон қилинади. Мазкур танловнинг энг юқори мукофоти Гран при оҳангаронлик Санобар Абдурасуловага топширилади. Вокаль жанрида биринчи соврин «Эй нозанин» қўшиғини маҳорат билан ижро этган ангренлик ҳамшира Барно Хаитовага насиб этди.

«Учрашув» ҳажвий интермедиясини қойилмақом қилиб ижро этишган оққўрғонлик ажойиб ҳаваскор ҳамширалар «Юқори санъат намунаси учун» совринининг эгаси бўлдилар.

Кўрик-конкурсда ўз маҳоратларини кўрсата олган тиббиёт ходимларига турли қимматбаҳо совғалар топширилди.

- Кўрик-конкурс танлови,-дейди Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Мавлуда Мухамедовна Йўлдошева,- дастлаб соғлиқни сақлаш муассасаларининг ўзида, сўнг туман ва шаҳарларда ўтказилди. Ғолиблар финалда маҳоратларини намойиш этдилар, шаҳар ёки туманларининг обрў-эътибори учун курашдилар.

Шуни таъкидлаб айтиш керакки, вилоятда тиббиёт ходимлари куни арафасида ўтказилган бундай тадбир ниҳоятда мазмунли ва қизиқарли ўтди. Уни ташкил этишда Тошкент вилояти касаба уюшмалари ҳузуридаги уюшмалараро маданият маркази яқиндан ёрдам берди.

**Будир ПЎЛАТОВ.**

---

## ДАРДНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ

Соғлиқ инсонга берилган буюк неъматлар ичида энг улуғи, тенгсиз-у бебаҳосидир. Афсус, буни ҳаммамиз яхшигина англаб, била туриб эътиборсизлик қилишимиз, бепарво ҳатто лоқайдларча муносабатда бўлишимиз хом сут эмган банда эканлигимиздан далолат беради.

Инсон организми нечоғлик мураккаб тузилганлиги билан бир қаторда унча-мунча қаршилик, емирилиш ва зиён-захматга чидамли ҳамда мустаҳкамдир. Аммо унутмаслик керак, бу чидамлилик ва мустаҳкамликнинг ҳам чеки-чегараси бор.

Организм йил давомида жуда кўп қаршиликка учрайди, меъёридан ортиқча куч йўқотади. Ҳам жисмоний ҳам маънавий зарарланиш натижасида айрим аъзоларнинг ишлаш функциялари бузилади, кучсизланади ёки бутунлай ишдан чиқишгача бориб етиши мумкин.

Бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Энг аввало ҳар бир одам йил давомида бир марта бўлса-ям шифокор назоратидан ўтмоғи лозим. Ўн икки ойнинг бирида сиҳатгоҳлардан бирида дам олиш, организмга қўшимча куч бағишлаш ёки йўқотилган соғлиқни қайта тиклаш учун астойдил интилмоғи керак.

Яратганга шукроналар бўлсинки, диёримизда бу мақсадга эришмоқ учун барча имконият ва шарт-шароитлар мавжуд.

Биргина Фарғона вилоятини оладиган бўлсақ, бугунги кунда водийнинг энг сўлим гўшаларида жойлашган ўнлаб дам олиш ва шифо масканлари халқимиз саломатлиги йўлида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Жумладан, Чимён шаҳарчасидаги Ўзбекистон темир йўллари Давлат ҳиссадорлик компаниясига қарашли «Чимён», Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли «Зилол», Энергетика ва электрлаштириш вазирлигига қарашли «Нурафшон» сиҳатгоҳларида юрак-қон томир, ҳаракат ва таянч аъзолари хасталиги, бош мия ва периферик нерв толалари касаллиги, аёллар жинсий аъзолари, урологик касалликлар, ошқозон-ичак ва тери касалликларига чалинган кишилар ўз дардига даъво топишлари мумкин.

Олтиариқ туманининг Иссиқсув қўрғончасида жойлашган Ижтимоий таъминот вазирлигига қарашли уруш ва меҳнат фахрийларининг «Олтиариқ» Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли «Қизилтепа», Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли «Рапқон» сиҳатгоҳларида эса ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси хасталиги, ошқозон яллиғланиши, сурункали ингичка ва йўғон ичак яллиғланиши, сурункали бўғим хасталиги, сурункали нерв, тери ва аёллар сурункали касалликларига малҳам топиш имкони бор.

Мазкур дам олиш ва шифо масканларида мижозларга малакали ва қўли енгил тиббиёт ходимлари, шунингдек мазали ва тансиқ таомлар соҳиби бўлмиш «қўли гул» ошпазлар беминнат хизмат қилишади.

Истардикки, оила, иш ва рўзғор билан бир қаторда тенги йўқ бойлик ҳисобланган соғлиқ ҳақида ҳам ўз вақтида қайғурмоғимиз ўринлидир. Аксинча кеч бўлади. Дарвоқе касалликни даволашдан кўра уни олдини олган минг марта афзал.

**А. ДЕҲҚОНОВ,**
**С. РУСТАМОВ,**
**«Ишонч» мухбирлари.**

---

*ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР*

## САНЪАТГА ОШНО ШИФОКОРЛАР

**Эзгуликка интилган, беғубор қалбли инсонлар бир умр қўшиқни, санъатни ўзларига ошно деб биладилар. Одамлар қалбини тушунмайдиган, оғир дамларда хаста кўнгилларга мададкор бўлиш, одамлар кайфиятини кўтариш учун беминнат хизмат қилиш қўлидан келмайдиган кишидан на шифокор, на санъаткор чиқади. Шу боис, тиббиёт ходимлари нажот истаб келган беморни тезда шифо топиб, очиқ чеҳра билан оила аъзолари, қадрдонлари ҳузурига ошиқишини кузатар эканлар, беихтиёр оғизларидан қўшиқ тушмайди.**

Самарқанд тумани марказий шифохонаси ходимлари эл соғлиги йўлида фидойилик кўрсатиб келишаяпти. Улар нафақат касб маҳоратини ошириш, балки, санъатни ривожлантириш, фақат дори-дармон билан эмас, балки, ўзларининг мумтоз куй ва қўшиқлари билан ҳам одамлар қалбига йўл топиш учун изланмоқдалар.

Санъатга кўнгил қўйган, истеъдодли шифокорлар борлигини сезган туман марказий шифохонаси раҳбарлари бадиий ҳаваскорлик дастаси ташкил этишга ҳаракат қилишди. Яхши ният амалга ошди.

Тиббиёт ходимларидан иборат «Шифокор» дастаси ўз фаолиятини бошлади.

Насимжон Исроилов раҳбарлик қилаётган дастага талантли ҳакимлар, ҳамширалар, ходимлар таклиф этилди.

Мана, 12 йилдирки шифокор-санъаткорлар халқ сайлларида, байрамларда, шодиёна дамларда ўз қўшиқ ва рақслари билан маданий хизмат кўрсатиб келишаяпти.

«Шифокор» репертуаридан ўзбек, тожик, озарбайжон, ҳинд ва бошқа халқларнинг куй-қўшиқлари, жозибали рақслари ўрин олган. Улар тез-тез касалхоналарда, туман хўжаликлари ва корхоналарида, ҳарбий қисмларда бўлиб ўз санъатларини намойиш этишаяпти.

Эл назарига тушган даста туман, вилоят, республика миқёсида ўтказиладиган кўрик-танловларда ҳам иштирок эта бошлади.

Ўтган йили «Шифокор» жамоаси вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ва вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси томонидан ташкил этилган буюк бобомиз, соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ҳамда «Инсон манфаатлари» йилига бағишлаб ўтказилган кўрик-танловларда фаол қатнашиб фахрли 1-ўринни олиш бахтига муяссар бўлишди.

«Шифокор» дастасининг иштирокчилари Тамара ва Санам Ғаффоровалар вилоят миқёсида ўтказилган «Ҳамшира» кўрик-танловининг ғолибларидир.

Туман шифокорларининг бир неча йилдан буён кўрик-танловларда ғолиблик қилиб келишаётганлигининг «сири» ҳам санъат билан ошно бўлганликларида бўлса, ажабмас!

Истеъдодли ҳамшира М. Раҳматова қаламига мансуб «Дод урушнинг дастидан» саҳна асари афғон уруши харакатлари ҳақида ҳикоя қилади. Пеъса шифокор-санъаткорлар томонидан саҳналаштирилди ва мухлислар олқишига сазовор бўлди.

Бугунги кунда «Шифокор» дастасига Неъматжон Раҳматов раҳбарлик қилаяпти. Даста санъаткорлари доимо изланишда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреати учун ўтказилган танловда «Шифокор» ашула ва рақс дастаси жамоаси ҳам фаол иштирок этди. Репертуардан ўрин олган дилрабо куй ва қўшиқлар, рақслар томошабинлар ва ҳайъат аъзолари олқишига сазовор бўлди.

«Шифокор» ғолиблар сафидан ўрин олди.

- Дастамиз иштирокчиларининг меҳнатлари, саъй-ҳаракатлари, изланишлари ўз самарасини берди,-дейди, Неъматжон Раҳматов, - Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреати деган номга сазовор бўлдик. Бу юксак мукофот шифокор-санъаткорларни янада руҳлантирди. Улар тиббиёт соҳасида ҳам, санъат соҳасида ҳам фидойи эканликларини амалда исботлашмоқда.

Дарвоқе одамлар соғу, саломат, яхши кайфиятда юрсалар, «Шифокор» санъатидан баҳраманд бўлсалар, бунга не етсин?!

**Абдулла АЙИЗОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

